

Жанубий Африкадан топилган икки юз йиллик Қуръон нусхаси



17:51 / 12.09.2023 2308

Жанубий Африканинг Кейптаун шаҳридаги Бо-Каап маҳалласида «Аувал» номли масжид бўлиб, мамлакатда ташкил этилган биринчи масжид сифатида тан олинган. Масжидда 200 йил аввал ёзилган Қуръони Каримнинг энг қадимги нусхаси сақланади. Қурувчилар қадимги Қуръони Карим нусхасини 1980 йиллар ўрталарида масжид чодирини таъмирлаш ишлари пайтида қоғоз қоп ичидан топадилар.

Бундан ташқари, ўша даврда масжид имомига тегишли диний матнлар қутисини ҳам топганлар.

Жанубий Африкадаги мусулмонлар ушбу нусхани ўзларининг бой мероси сифатида энг қимматли артефактлардан бири деб биладилар.

Ушбу Қуръони Карим бугунги кунгача яхши ҳолатда сақланган нусхалардан бўлиб, унинг четлари бироз йиртилган холос. Бироқ, биринчи саҳифа эса бундан мустасно. Қадимги нусхада каллиграфик ёзув учун ишлатилган қора ва қизил сиёҳдан фойдаланилган.

